

БЕРУНИЙ ХИКМАТЛАРИ

Уразметова Курбанбика Гулматовна

*Ўзбекистон давлат хареография
академияси Урганч филиал илмий
тадқиқот ишлари муҳандиси*

Аннотация: Мазкур илмий мақолада қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш бўйича Республикамизда амалга оширилаётган амалий ишлар, аллома илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, Беруний асарларидаги ҳикматларни, ибратли воқеаларни ёшлар дунё қарашини юксалтиришдаги аҳамияти ва ўрни хусусидаги фикрлар кенг баён қилинган. Калит сўзлар: Аллома, илмий мерос, ренессанс, ҳикмат, тарбия, тафаккур, ижтимоий ҳаёт, фан, рисола, асар, ғарб, шарқ, уйғониш даври.

Аннотация: В данной научной статье подробно описывается практическая работа, проводимая в нашей Республике по изучению бесценного научного наследия энциклопедиста Абу Райхана Беруни, значение научного наследия этого ученого сегодня, важность и роль мудрости Беруни и его поучительных событий в формировании мировоззрения молодежи.

Ключевые слова: Аллома, научное наследие, ренессанс, мудрость, образование, мышление, общественная жизнь, наука, трактат, труд, Запад, Восток, ренессанс.

Annotation: In this scientific article, the practical work carried out in our Republic on the study of the invaluable scientific heritage of the encyclopedist Abu Rayhan Beruni, the importance of the scholar's scientific heritage today, the importance and role of Beruni's wisdom and instructive events in raising the world view of young people are described in detail.

Key words: Alloma, scientific heritage, renaissance, wisdom, education, thinking, social life, science, treatise, work, west, east, renaissance.

Шарқ уйғониш даврининг етук олимларидан бири Абу Райҳон Берунийдир. Абу Райҳон Беруний фаннинг деярли барча соҳалари ривожланишига муносиб ҳисса қўшган алломалардан ҳисобланади. Бугунги кунда Шарқ алломалари илмий меросини ўрганиш борасида ҳукуматимиз томонидан эзгу амалий ишлар олиб борилмоқда. 2017 йилнинг 24- май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Қадимий ёзма манбаларини сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда мустақиллик йилларида халқимизнинг қадимий тарихи ва маданиятини

тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз авлиёларимизнинг мутахассислик илмий марказларида буюк алломаларимиз аждодларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар тамонлама чуқур ўрганишга ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда”, дея алоҳида таъкидлаб ўтилган. Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида юртимизда яшаб ўтган алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Айниқса, бугунги кунда Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишда катта ишлар амалга оширилишини олимга бағишлаб 26 та асар ёзилганлиги, аллома асарларини қайтадан араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинаётганлиги, чет эллардан аллома асарларининг нусхалари олиб келинаётганлиги, асарларининг электрон нусхаси яратилганлиги, ҳаттоки хорижий олимлар томонидан Абу Райҳон Беруний илмий мероси бўйича илмий ишлар қилинаётганлиги, ҳар йили 4- сентябрда аллома илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича илмий конференциялар ўтказилаётганлиги бунга яққол мисолдир. Айниқса, аллома асарларидаги ҳикматларни ёшлар тарбиясида уларнинг дунёқарашини юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда каттадир. Бугунги кунда Ўзбекистонлик олимлар томонидан алломанинг кичик рисоалари ўрганиб қайта ишлаш бўйича кўпгина ишлар олиб борилмоқда. (Ўзбекистон тарихи телеканалининг “Тарих майдони” кўрсатуви, 21 май, 2026 йил). Абу Райҳон Беруний асарларини илмий жиҳатдан ўрганиш билан бир қаторда унинг ҳаёти ва асарларининг маънавий-тарбиявий жиҳатларига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Берунийшунос олим Абдусодиқ Ирисов қайта нашрга тайёрлаган “Беруний ҳикматлари” асарида жуда кўп ибратли сўзлар, афсона ва ривоятлар келтирилган, уларни ўқиб, ўрганиб ва ҳаётда айниқса, ёшлар дунёқарашини шакллантиришда, илм салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этади. Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳикматлар” китобида илмли бўлиш, ҳалол ва тўғрисиўзлик, нафс балосига ружу қўймаслик, покизалик ва тартиблилик бўйича насиҳатли, ибратли сўзлар келтирилган. Биз шулардан бир нечтасини мисол тариқасида келтириб ўтсак. - Ҳаким ва олимлар ахлоқидан таълим олиш яхши хулққа ҳаёт бахш этади, ёмон қилиқни ўлдиради. - Яхши хулқ яхшилик аломатидир. - Билимсиз кишиларнинг қалби хурофотга мойилроқ бўлади. Бу ҳикмат орқали алломана илмий, на диний билимга эга бўлмаган, ирим сиримларга ишонувчи кишиларга қарата айтилган сўзлардир. - Асалари ҳам ўз жинсидан бўлатуриб, ишламайдиган асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди. Бу ҳикматомуз сўзлар орқали олим иш ёқмасликни қоралайди, меҳнатсеварликни улуғлайди. Биз биламизки, фанда маълум бўлишича, чумоли ва асаларилар табиатдаги энг меҳнаткаш жонзодлардир. Асалари ўз асалини тозалаш учун 2 соат давомида ўз мувозанатини сақлаб турар экан. -Хайр саховат ҳам мардлик

саналади. Алломанинг “Ҳикматлар” асарида яхшилик, ҳайр-саҳоват ҳақида шундай мисол келтирилган. Басрада бир киши бўлган экан. У ҳар куни уйдан чиқмоқчи бўлса, ўзининг энг яхши кийимини кийиб, чопқир уловини миниб, одамлар ҳожатини чиқаришга уринар экан. Ундан бу ҳақда сўрашса, у шундай жавоб берибди: “Мен кўзадан энг яхши шарбатларни ичиб лаззатланганман. Ҳатто бу шарбатни энг шуҳратли бастакорнинг торлари чертилган ажойиб пайтларда ҳам ичганман. Уларнинг овозлари худди дарахтлардаги қушларнинг ажойиб нағмаларига ўхшаб кетган. Лекин бу хурсандчиликнинг ҳаммаси ҳам ҳеч қачон мен бирор кишига яхшилик қилиб, унинг дўстлар ўртасида менга билдирилган миннатдорликдан олган хурсандчилигимга етмайди. Табиат олимлари айтишича, ойда нур кўпайиши сабабли умуртқа мағзи, оксил модда ва аксарият суюқликлар кўпаяди. (табиат тили билан айтилганда ой ерни тортса сув кўтарилиши (кўпайиши) содир бўлади. Нур камайиши оқибатида эса улар камади, хум идишлардаги шароб қайнаб қўй-қуми билан лойқаланади. Ойда нур кўпайганда қон баданнинг сиртига чиқса, камайганда эса ичкарисига кетади. Бу ҳодиса кўпинча тўлин ой пайти содир бўлади. Демак, табиат ҳодисалари инсон саломатлиги бир-бири билан узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Бунда аллома ҳар бир фан ва соҳаларнинг бир-бири билан чамбарчас ўзгаришини изоҳлаб беради, яъни бугунги тил термин билан атаганимизда интеграцияни қўллаганлигини билишимиз мумкин. Абу Райҳон Беруний бобомиз покликни, тозаликни жуда қадрлаган. Буни биз унинг “Феруза”, “Ҳикматлар” асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Алломанинг “Хушбўй сув” мавзусидаги ҳикоятида шундай ёзилган: Мисрда бир тоғ этагида ибодатхона яқинида “Пок” дея машҳур бўлган ҳовуз бор. Бу ҳовузга тоғ этагидаги булоқдан сув оқиб туради. Қачонки, бирор искирт, ифлос, кир одам бу ҳовузда ювинса, сув таъми ўзгаради, бадҳид бўлади. То суви бўшатилиб тозаланмагунча ўшандай ҳид чиқараверади, тозаланса хушбўйликка қайтади. Бу ҳикмат орқали аллома доимо инсонни ҳалол бўлишга ундайди. Яна битта ҳикматида: Амир Исмоил Сомоний “Аждодинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ”. Кимда ким қариндошлари сабабли ўзига обрў, яқинлик ахтарса ва ўтган аждодлари билан фахрланса, ўша кишининг ўзи ўлик, аждодлари эса тирик саналади. Бу тўғрида бир юнонлик юқоридаги сўзларни айтган эди. Бу худди бир шоирнинг шу айтганига ўхшайди: Чириган суяклар ҳеч фахр манбаи бўлмас, Кўтармаса эр киши ўз-ўзини юксакка. Бу ҳикмат орқали Беруний бобомиз инсон ўзининг ҳалол меҳнати, илми, ҳунари орқали обрў-эътиборга эришиб шуҳрат топмоғи керак деб таъкидлайди. Аллома ҳар бир инсоннинг кадр қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам Беруний бобомиз ўз ишига садоқатли, тартиблиликни ёқтирган. Шунинг учун аллома инсоннинг энг гўзал фазилатларидан бири тартиблилик ва покизалиқдир деб таърифлайди. Олим ўз

замонасида илм-маърифатни юксалишини истайди. Илмлар кўпдир – дейди Беруний, - замон бахт-икболли бўлса, турли фикр-мулоҳазалар, раъйлар бирига қўшилиб борса, илм-маърифат кўпаяди. Одамларнинг илмга рағбат этишлари илм аҳлини ҳурматлаши ва уларга яхши кўз билан қараши ўша бахт-икболнинг белгисидир. Айниқса, ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Лекин Беруний ўз замонасида қаерда бўлмасин илм аҳлини қадрлаган. - Беруний ҳозирги таъбир билан айтганда, байналмилал инсон бўлган, у барча халққа иззат-ҳурмат билан қарайди, қайси бир халқ ҳақида ёзмасин, улар ҳақида ижобий фикр юритади. Аллома шарқ ва ғарб фалсафасини ҳам чуқур ўрганган, чунки фалсафа барча фанларнинг онасидир. Абу Райҳон Беруний асарларида Юнон файласуфи Сукрот ҳақида шундай ёзган. Сукрот одамларнинг санамларга ибодат қилишларига қаршилик кўрсатиб, сайёраларни худо деб аташдан бош тортди. Шунинг учун Афинанинг 12 қозисидан 11 таси уни қатл қилишга фатво бердилар. Сукрот эса ҳақ йўлдан қатмаганича ўлиб кетди. Гарчи Сукротнинг отаси хайкалтарош бўлса ҳам у санамларга сиғинишни ёқтирмаган. У инсон ахлоқи, адолат ва ҳақиқат масалаларига эътибор қаратиб фалсафани осмондан ерга (инсон ҳаётига) туширган деб ҳисобланади. Сукрот ўз қарашларини ёзиб қолдирмаган. Унинг ғоялари шогирди Платон (Афлот ун) асарлари орқали бизгача етиб келган. Сукротдан “Нега сиз фикрларингизни ёзиб қолдирмаяпсиз” – деб сўрашганларида у “Мен тирик инсонлар қалбидаги илмларни ўлик ҳайвонлар терисига ёзишни истамайман” деб жавоб берган экан. Бунда Сукрот “Авесто” (Абисто) китобининг яратилиш тарихига ишора қилган. Чунки, “Авесто” китоби 12 000 қорамол терисига ёзилгани назарда тутилган “Авесто” китоби инсониятнинг илк китоби ҳисобланиб бу китобда “Эзгу фикр”, “Эзгу сўз”, “Эзгу амал” ғоялари киритилган. Қадимий юнонлар сингари териларга ёзиш одатлари Ҳиндларда ҳам бўлмаган эди. Шунингдек, исломнинг дастлабки пайтларида ошланган териларга хат ёзганлар. Масалан, хайбарли яҳудлар билан тузилган шартнома, пайғамбарларнинг (Эрон шоҳи) Кисрога ёзган мактуби шундай териларга ёзилган эди. Шунга ўхшаш Қуръон ва Таврот ҳам кийикларнинг териларига ёзилган. Қиртос Мисрда қамич мағзи папируснинг пўстига едириб юборилганидан ишланган бўлиб, замонамизга яқин вақтларгача ҳам халифаларнинг мактублари шундай туморларга ёзилар эди. Чунки, ундан бирон ҳарф ва сўзни қирқиб ўзгартириш мумкин бўлмай, балки қирқилса, у қиртос бузилади. Турли қоғозлар чинликлардагина бор эди. Асир олинган чинлик бир киши Самарқандда қоғоз ишлаш санъатини ижод этди. Сўнгра бу кишидан кўриб, турли ўлкаларда қоғоз ишланиб эҳтиёж қопланди. Бу асардаги ривоят афсона, маълумотлар орқали энг катта хазина ҳисобланган китобларни, қоғозни яратилиш тарихи ҳақидаги билимларни, фалсафий қарашларни ёшларимиз ўқиб

ўрганиб билим салоҳиятларини ошириши катта ютуқларга олиб келиши табиийдир. Беруний бобомиз табиатни севган ва табиатни, жонзодларни асрашни уқтиради. Шунинг учун табиатни севганлиги учун ҳам унга (исмида) Райҳон сўзи қўшиб ёзилган деган тахминлар бор. Аллома ҳикматларида ҳайвонларга, сезувчи ва зарарсиз нарсаларга озор етказишдан лаззатланувчи ҳар бир кишидан худо ўч олсин дейилган. Яна аллома денгиз ҳайвони дельфин ҳақида қуйидагиларни келтириб ўтади. Дельфин – денгиз ҳайвони бўлиб, у дамланган териға ўхшайди. У одамни севади, кемаларни кузатади, ғарқ бўлганларни ўлик тириклигидан қатъий назар қутқаради. Бу мисол орқали Беруний тирик жонзодлар билан инсонлар ўртасидаги муносабатни кўрсатиб ўтади. Абу Райҳон Беруний ўз асарларида бойликка ружу қўйган, нафс балосига йўлиққан инсонлар ҳақида қуйидаги ҳикматни келтириб ўтади. Ар-Рашид чўрилари орасида бир ўта гўзали бор эди, бошқа ҳеч қайсиси унчалик чиройли эмас эди. Агар Ар-Рашид чўрилариға бирор нарса совға қилса, ўша гўзал ўз ҳиссасини қайтариб берар экан, бундан халифанинг жаҳли чиқар эди. Иттифоқо бир куни у барча чўрилариға қимматбаҳо жавоҳирларни сочиб юборибди, барча канизаклар уларни теришға тушишибди, лекин ҳалиги гўзал унга қўлиниям чўзмабди. Кейин яна бошқа қимматбаҳо жавоҳирларни келтиришни буюрибди. Уларға, “қани булардан исталган нарсаларни танлаб олинглар”, - дебди. Чўрилар жавоҳирлар ичидан ҳоҳлаганларини танлаб олишибди, лекин ўша гўзал канизак ҳеч нарса олмабди. Шунда халифа унга қараб: - нега сен дугоналарингға ўхшаб ўзингға ёққанини танлаб олмаяпсан? – деб сўрабди. Бунга халиги гўзал жавоб қилиб: - агар танлаган нарсам меники бўладиган бўлса, шундай қилақоламан, - дебди ва тўғри халифанинг олдига келиб, унинг қўлидан тутибди. – Дунёнинг барча жавоҳирларидан танлаб олганим шу, - дебди унга. Ар-Рашид бу гапидан даҳшатға келибди ва уни Холиса деб атабди. Холиса исмининг маъноси (арабча)-соф, беғубор, холис ниятли деган маънони билдиради. Беруний ўз болаларини жисмоний меҳнатға ўргатмайдиган зодагон оилаларни қаттиқ танқид қилади ва бу кишилардан нафратланади. Ким учса саъни жухд қилмай шуҳратға, Карам либосида кўзи бўлар оч Ғафлат соясида шод бўлур, аммо Шараф кийимсиз қолар ялонғоч. Абу Райҳон Беруний бобомиз ўз асарларида инсонларни доимо яхши ниятли бўлишларига ундайди. У инсонлар яхши ниятли бўлса ниятлари амалға ошишини акс ҳолда, бунинг тескарисини бўлишини аниқ асардаги мисоллар орқали ифодалайди. Зайд-ал-Алавий даврида Табаристонда (Эроннинг Каспий денгизининг жанубий соҳилида жойлашган қадимий тарихий вилоят) қаттиқ курғоқчилик бўлган. Одамлар ёмғирни ёғилишини сўраб саҳроға чиққанлар. Ҳали бу тилакни изҳор этувчи дуолар тугалланмай туриб шаҳар атрофига ўт тушган, катта ёнғин юз берган. Беруний Абул амр деган шоирнинг шу тўғрида ёзган шеърини ўз китобида келтиради. Унинг мазмуни қуйидагича.

Табаристонликлар булут келиб ёмғир ёғишини тилаб (сахрога) чикдилар. Лекин уларга куйдирувчи иссиқ билан жавоб берилди. Уларга орзуларининг зидди, келди, чунки Қалблари физку-фужурлар билан тўла эди. Кўриниб турибдики, шоир бу ерда табаристонликлар бошига келган офатнинг сабабини уларнинг фиску-фужурлар билан кўп машғул бўлганлари орқали изоҳлайди. [5.62 б]

“Фармакогнозия” китобининг бошланиши қисмида Беруний билимининг юзага келиши ва китоб тўғрисидаги мулоҳазаларни ўртага ташлайди. [2.70-71б] “Кузатишларнинг мўл кўл бўлиши кўрган нарсани хотирада сақлаш қобилиятини келтириб чиқаради”, деб ёзади у. Хотир асосланган нарсани яхши сақлайди ва уни тез ва осонлик билан тутиб қолади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардимки, Берунийнинг хотираси “Қуббаи хофизаси” жуда кучли бўлган. Беруний инсоннинг хотираси яхши бўлиши учун инсон ҳар нарсага эътибор бериши ва тинимсиз машғулотлар орқали эришишлари мумкинлигини уқтиради. Китоб ва билим тўғрисида Беруний шоир Абу Саъд Ибн Дўстнинг куйидаги шеърини келтирган. Китобларни хотирда сақла, уларни фақат йиғавермагин, Чунки китобларга ҳам, қирон келади. Олов уларни ёндиради, сув ғарқ этади, Сичқонлар кемирадилар, ўғри ўғирлайди. Китоблари билан гердайган билимсиз (киши) Кутубхонасини улар билан тўлдирди ва уни ёпиб қўйди. Ундан билим олувчиларни фойдаланишдан маҳрум қилади. Бу ҳам китобни йўқ қилиш, бузишнинг бир хилидир. Берунийнинг ёзган китоблари, унинг беҳад бой билимлари кишиларнинг ҳаётини янада мазмундор қилиш учун хизмат қилмоқда. Беруний савдода ҳалол бўлишликни ёқлайди. Унинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам ўринлидир. Беруний куйидаги бир ҳикояни келтиради: денгизда саёҳат қилган бир одамнинг айтиб берганига кўра шамол уларнинг кемасини катта йўлдан бир чеккадаги оролга олиб келган. Ҳамма сайёҳлар қирғоққа тушганлар. Маҳаллий кишилардан бирида ўзларига керакли нарсани кўриб уни олмоқчи бўлганлар ва у одамга динор берганлар. У динорни қўлида тутиб айлантириб, ҳидлаб, оғзига олиб кўрган. Ўз сезиш органлари ҳеч қандай фойда ёки сезги ҳосил қилмагач, у пулни эгасига қайтарган ва фойдали нарсасининг эвазига, бефойда нарса бериш ярамайди, деган. Беруний бу ҳикояни келтирар экан, унинг хулосасини ғоят зўр шиддат билан қувватлаб, ёзади: “Ҳаёт номига қасам ёд қилиб айтаманки, савдонинг табиий шакли ана шундайдир. Маданий одамлар орасида ўзаро хизмат кўрсатиш йўлидаги ҳаётий тартиб шундагина ўрнатилади. [4.13 б] Беруний “Ҳиндистон” китобининг 59 бобида ой чехрасининг доғли экани тўғрисида куйидаги Ҳинд афсонасини ҳам ҳикоя қилади. Ой манзиллари Пражопатининг қизлари бўлиб, ой уларга уйланган экан. Ой барчасидан кўра Роҳинага ортиқ ишқ қўйган. Бошқалари бунга ғайирлик қилиб отасига арз қилганлар. Ота ҳаммасини баробар кўришни Ойга насиҳат қилиб таъкидлаган бўлса-да натижа чиқмаган. Шундан сўнг у Ойни қарғаган ва

ой юзи доғли бўлиб қолган. Ой тавба қилади, аммо Пражопати ўз сўзидан қайтолмас эди. У ҳар бир ойнинг ярмида ойнинг юзини беркитишни билдирган.[6.373 б] Ой тўғрисидаги афсона ҳам жуда ҳам мароқлидир. У халқ ижодидаги бой фантазия ва табиат ҳодисаларини турмуш воқелиги билан узвий равишда боғлар эди. Бу афсонада ваъда берилгандан кейин уни бажариш фарз эканлиги ифодаб берилган. Алломанинг “Ҳиндистон” асарида устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар чиройли ва таъсирчан қилиб таърифланган. Қадимда Ҳинд подшоҳининг битта ўғли бўлган экан. У ўғлини илмли бўлишини жуда хоҳлагани учун уни яхши муддарисга берибди. Бола зеҳли бўлгани учун сабоқларни тез ўргана бошлабди. Бундан подшоҳ жуда қувонар эди. Бир куни подшоҳ ўғлига “Бугун сабоққа бормагин, хориждан меҳмонлар келади” деб тайинлабди. Лекин ўғли “Бугун сабоғимизнинг энг қизиқарли жойига келди, бормасам бўлмайди” – деб кетиб қолибди. Бу ҳолат яна 2-3 маротаба такрорланибди. Бундан жаҳли чиққан подшоҳ ўғлини қаттиқ калтаклабди. Шунда устози уни дуо қилиб йиғлаб турибди. Қарасалар боланинг баданида калтак излари қолмаган. Яна ўғил отасининг айтганини қилмаганида подшоҳ ўғлини сувда оқизишга амр қилибди. Устози бўлса қирғоқда шогирдини дуо қилиб югуриб юрибди. Не кўз билан кўрсинларки, тўлқинлар уни қирғоққа чиқариб ташлабди. Кейинги сафар ҳам ўғли отасини айтганини қилмаганида подшоҳнинг жаҳли чиқиб уни ўтда ёқишни буюрибди. Яна устози шогирдини ўтдан омон чиқишини талаб йиғлаган. Бир оздан кейин болани ўтдан чиқариб олсалар, боланинг баданида ҳеч қандай ўт излари қолмаганини кўриб ҳайратланибдилар. Шундан кейин подшоҳ ўғлининг устози олдида бориб узр сўраган экан. Ушбу афсона орқали аллома устознинг ҳар бир дуоси сувдан-да, ўтдан-да кучли эканлигини таъсирчан сўзлар орқали баён қилинганки, бунга ишонмаслик асло мумкин эмас. Беруний “Ҳиндистон” асарида келтирган афсона ва ривоятлари ўзбек халқининг бой мероси ҳисобланган халқ оғзаки ижоди билан нақадар ўхшашлигини кўришимиз мумкин. Халқимизда “Устоз отангдай улуғ” деган ибратли сўз нақадар тўғрилигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Аллома асарларидаги ҳикматларни ўрганар эканмиз, уларнинг нечоғлик ҳаётийлигини, ёшларни яхшиликка, тўғри сўзликка, ҳалолликка ундашини кўришимиз мумкин. Беруний асарларида аниқ фанлар билан бадий ижоднинг чинакам қоришмаси, улар бир-бирини тўлдирганда қанчалик сермазмун, гўзал, енгил тушунарли бўлишининг ёрқин ифодасидир. Беруний илмий маълумотларини ибратли сўз, ҳикматлар орқали ифодалаганининг ўзи эса инсонларни айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашининг юксалишида катта ўрин эгаллайди. Юртбошимиз Навкат Мирзиёевнинг 30-июнь ёшлар кунига бағишланган маърузасида ёшларга қарата “Мен ишонаманки, учинчи ренессанс сиз интеллектуал салоҳиятли ёшлар

яратасизлар”, - деган эди.Албатта, Ўзбекистон ёшлари на фақат илмий салоҳиятли, балки маънавий жиҳатдан юксак кучга эга эканликларини намоёиш қиладилар. Фойдаланилган адабиётлар¹. Ўзбекистон телеканалининг “Тарих майдони” кўрсатуви 21 май, 2026 йил.². Абу Райҳон Беруний “Ҳикматлар”, “Фан” нашрети, 1973 йил.³. Беруний туғилган куннинг 1000 йиллиги “Фан” нашрети, 1973 йил.⁴. Азиз Қаюмов “Беруний ва адабиёт” Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.⁵. Абу Райҳон Беруний “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар 2022 йил.⁶. Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асари (янги нашр) 2022 йил.

